

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 630-ҳадис

630 – وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْعِزُّ إِزَارُهُ، وَالْكَبْرِيَاءُ رِدَاؤُهُ، فَمَنْ يُنَازِعُنِي فَقَدْ عَدَّ بَيْتَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2620].

630. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Иззат У Зотнинг изоридир, кибриё эса ридосидир. (Аллоҳ айтади) Ким Мен билан уни талашса, уни азоблайман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Азизлик ва Кибриё Аллоҳ таолонинг сифати экан. Ким мана шу сифатларни Аллоҳ билан талашса, Аллоҳ у кимсани дўзахга улоқтирар экан.

Такаббурликнинг асли Аллоҳнинг мақомига эгалик қилишни ҳаракати экан. Демак Кибриё сифатига эга Зот Аллоҳга такаббурлик қилган кишини Аллоҳ азоблашга ҳақли экан. Ким Аллоҳнинг улуғлигини билса, ўзидаги такаббурлик ҳислатларига барҳам беради. Чунки инсон Холиқнинг қудратини ва Борё сифатли Зот Аллоҳнинг азаматини кўрса, такаббурлик фақат ва фақат Якка Аллоҳга хос эканини билади. Аллоҳ таоло Жосия сурасининг 37-оятида: «**Осмонлар ва Ердаги буюклик ёлғиз Уникидир! У қудрат ва ҳикмат Соҳибидир!**», деб айтган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

